

ЭСКИ ТЕРМИЗ ВА ЧАҒОНИЁН СИРКОР ИДИШЛАРИДА ЭПИГРАФИК ЁЗУВЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Шерзод Раджабов

Термиз археология музейи бўлим мудир.

Сайёра Қамбарова

Илмий ходими.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16757461>

Аннотация. Ушбу мақолада Сурхондарё воҳасидаги археологик ёдгорликлардан топилган сирланган буюмларнинг ясалиш тарихи, ривожи ҳамда аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилади.

Калим сўзлар: Шимолий Бактрия-Тохаристон, Хосияттепа, Айритом, Парфиянинг Нисо каби антик давр ёдгорликлари, Ал-ҳаким ат-Термизий мақбараси атрофидаги горсимон иншоотлари.

Annotation. This article discusses the history, development and significance of the creation of glazed objects found in archeological monuments in the Surkhandarya oasis.

Keywords: Northern Bactria-Tokharistan, Khosiyattepa, Ayritom, Parthian ancient monuments such as Nisa, cave structures around the tomb of Al-Hakim at-Termizi.

Қадим-қадимдан кулолчилик соҳаси доимий ривожланиб, юксалиб борган. Шарк билан Ғарбни боғлаган савдо йўлида ипак, шойи, кўплаб қимматбаҳо тошлар ва бошқа хунармандчилик буюмлари сингари нафис қилиб ишланган сиркор идишларни аҳамияти ҳам ниҳоятда катта эди. Ўрта Осиё ҳудудига VIII асрнинг иккинчи ярми IX асрнинг бошларида Эрон орқали идишларга сир бериш технологияси кириб келди. Бунинг исботи сифатида Эски Термиз ва Чағониёндан топилган сиркор идишлар мисолида кўришимиз мумкин. Кулолчилик соҳасида даставвал сир бериш усули қадимги Мисрда мил.авв. IV минг йилликда Месопотимияда мил.авв. IX асрдан маълум, Яқин Шарқда Сиркор буюмлар ишлаб чиқариш антик даврларда ҳам давом этган.

Сиркор буюмлар ишлаб чиқарадиган яна бир марказ Узоқ Шарқда жойлашган бўлиб, Хитойнинг Хан даври (мил.авв.206-220 йй) га оид Сиркор буюмлари Буюк Ипак йўли орқали Ғарб давлатларига етиб борган. Қадимги Сиркор буюмлар ишлаб чиқраувчи икки марказ ўртасида жойлашган Ўрта Осиёда Сиркор буюмлар ишлаб чиқариш нисбатан анча кеч йўлга қўйилган.

Шимолий Бактриянинг Айритом, Парфиянинг Нисо каби антик давр ёдгорликларида Сиркор идиш намуналари топилган бўлса-да, уларнинг маҳаллий кулоллар маҳсулоти эканлиги исботланмаган. Кўпчилик тадқиқотчилар фикрича, Ўрта Осиё Сиркор идишларнинг кўплаб ишлаб чиқариш бошланиши VIII асрнинг иккинчи ярми ва IX асрнинг бошларига тўғри келади. Ўрта Осиё Сиркор идишларнинг пайдо бўлишини И.А Сухарев, А.Тереножкин томонидан бошланган. VIII-XIII аср бошларида Мовороуннахрнинг Сиркор кулолчилигини дастлаб О.Болшаков томонидан китоб асосий қўлланма сифатида яратилди. Ўрта Осиёда Сиркор керамика ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши вақти ҳақидаги саволга тадқиқотчилар умумий фикрга келмаганлар. Баъзилар Сиркор маҳсулотларнинг пайдо бўлишини Кушон даври билан боғлашга мойил бўлиб, бу фикрни ўша пайтда Ўрта Осиё минтақаларининг бир қисми Парфия давлатининг бир қисми

бўлганлиги, бу ерда Сиркор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ғарбда кенг қўлланилганлиги билан изоҳлашади. Минтақалар бошқалари эса биринчи Марказий Осиё Сиркор маҳсулотларининг пайдо бўлишини VI - VIII асрнинг биринчи ярмига тўғри келади¹.

Шубҳасиз, Сиркор керамикаларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши VIII аср бошлари кириб келиши назариясини инкор этиб бўлмайди. Савдо алоқалари туфайли, аммо сўнгги йиллардаги казишмалар кўрсатганидек, унинг оммавий ишлаб чиқарилиши VIII асрнинг бошлари ва IX асдан кенг қайд этилишини кўришимиз мумкин. Ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг моддий-маданиятида муҳим ўрин тутган. Сиркор идишлар кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътиборини тортди. Археологлар кўпинча нумизматик ва бошқа таниш материаллар етишмаслиги ёки йўқлиги сабабли хронологик даврийлаштиришда қийналишган. Сиркор сопол буюмлар хронологик ва типологик хужжатлаштириладиган бўлса, ишончли асосга айланиши мумкин. VI-VIII асрларда маҳаллий Сиркор сопол ишлаб чиқариш бошланган сана бўйича тадқиқотчилар томонидан қабул қилинган сана йўқлиги И.А.Сухаревни Сўғдда Сиркор сопол идишлар ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичини аниқлашга биринчи бўлиб, ҳаракат қилди. Унинг ишқор аралашмали идишлар ҳақидаги хулосалари, худди энг қадимий даврлар сингари бугунги кунгача тадқиқотчиларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинган. Гарчи 1940 йилдан бошлаб, И.А.Сухарев идишларга сир беришнинг дастлабки сирлари маълум бўлади. Сўғддан Сиркор идишларнинг дастлабки гуруҳини кўриб чиққан А.И.Тереножкин Хоразм материаллари асосида кулолчиликни таснифлаш 1953 йилда Н.Н.Вактурская томонидан тақлиф қилинган бўлиб, унинг ривожланишнинг учта даврини ажратиб кўрсатди.

1. IX-XI асрлар
2. XII-XIV асрлар
3. XV-XVIII асрлар

IX-XI асрлар маҳсулотларнинг бир хронологик гуруҳида комбинацияси канчалик асосли эмаслиги энди аниқ бўлди. XII-XIV асрлар бошига қадар даврлар чегараларини аниқлаш. Бир вақтнинг ўзида Н.Н.Вактурская ва О.Болшаков Марказий Осиё сополларини таснифлаш бўйича Сиркор идишлар бўйича ишлаган. Улар иккала технологик хусусиятга ва безакларни таҳлил қилишга асосланиб тасниф этишган. Уларнинг иши асосан эски коллекциялар билан ўша пайтга қадар сопол турларининг нисбий хронологияси тўғрисида археологик маълумотларнинг йўқлиги уни услубий таҳлил асосида хронологик ўлчовни яратишга мажбур қилди.

Сиркор сополларнинг ишлаб чиқарилиши барча жароёнларни ўрганган олим Э.В.Сайконинг буюк асари Ғарб олимларининг Эрон сопол буюмларига бағишланган ва маълум даражада Ўрта Осиёга таъсир кўрсатган асарлари маҳаллий сопол идишлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича қарашларни шакллантиришда муҳим рол ўйнади. Марказий Осиё кулочилигининг хронологик-услубий таснифи М.Песар томонидан **“Қадимий исломий керамика ва унинг келиб чиқиш тарихи”** шунингдек, С.Флюри томонидан

¹ А.Г.Брусенко.Глазурованная керамика Чача IX-XII веков. Стр-36-37.

эпиграфик нақшларни ўрганиш ишлари олиб борилган.

Шарқшунос олим Ф.Зарренинг Сиркор сополлар бўйича монографияси дастлаб Марказий Осиё сополлари тадқиқотчиларининг эътиборин жалб қилмади, улар ушбу асосий китобда импорт қилинадиган қадимги турларнинг манбалари тўғрисида маълумот олишлари мумкин эди². Маҳаллий Сиркор маҳсулотлар ўша пайтда А.Лейн ва М.Димандлар³ томонидан нашр этилган “Форс санъати тадқиқотлари”га⁴ оид китобларида сопол буюмларни даврийлаштириш ва умумлаштирилган таснифи таклиф қилинган. Бу Ўрта Осиё кулчилик саноатига ҳам таъсир қилади. Ушбу асарларда нарсаларнинг келиб чиқиши жойига кўра Самарқанд мактаби тури ҳам доим ажралиб турган ва унинг баъзи ўзига ҳос хусусиятлари таъкидланади. Лекин биринчи марта Эрон (Нишопур) ва Сўғд (Афросиёб) Сиркор кулчилик Ч.Вилкинсон томонидан солиштирилган бўлиб, у Нишопурга бегона, аммо Мароқанддаги вариантларни муваффақиятли ажратиб кўрсатган⁵.

Шу тариқа IX асрда термизлик кулол усталар томонидан Сиркор идишлар яшашнинг технологияси ўзлаштирилиб, кейинчалик Сиркор идишлар яшаш такомиллашиб тараққий этиб борди.

Бугунги кунда Термиз археология музейида ўрин олган кўплаб нодир топилмалар орасида араб ёзувли Сиркор лаган бўлагининг аҳамияти катта. Музейнинг кирим китобида (КП-3648 рақамли) ашёнинг ҳам афсуски бир қисми сақланган. Шерабод тумани Дабилқўрғондан топилган мазкур топилма X-XI асрларга оид. Лаганнинг бир қисми сақланган бўлиб, тўқ малла рангда араб алифбосида битилган. Ушбу лаганнинг бир қисми сақланган бўлиб, унда қуйидаги ҳарфлар сақланган “ал”, “лом”, “коф”, “ба”, “вов”, “лом”, “хе”, “мим”, “ба”, “коф” ҳарфлари битилган бўлиб, афсуски лаганнинг бошқа қисми сақланмаган.

Шунингдек, музейда нафақат Сиркор идишлар балки араб ёзувлари битилган бир қанча идишлар ҳам мавжуд бўлиб, ана шулардан бири Эски Термиздан топилган X-XI асрларга оид топилма бугунги кунда музейнинг Кирим китобида(КП)-34399 рақами билан намоён қилинаётган араб ёзуви битилган лаган бўлаги ниҳоятда нафис қилиб ишланган. Лаган бўлагининг идиш девори юқа қилиб ишланган. Идишнинг гардиш қисми тилло рангли бўлиб, “**Мен учун уларнинг сўзларини чиройли қилишидан у яхшидир**” сўзлари битилган. Ёзувнинг ранги оқ рангда битилган гардиш қисмидаги ёзувлардан сўнг яна оқ рангли айлана чизик ишланган бўлиб, мазкур чизикда ёзувлар тилло рангда битилган. Лаганнинг марказида эса оқ рангли Сиркор тўқ малла рангда турли гулли ўсимликлар тасвири туширилган. Лаган бўлагининг ўлчами: 14x8 см бўлиб, идишнинг бир қисми сақланган.

Термиз археология музейи фондида сақланаётган СВМ 3418, ИНВ 1333. Сиркор коса XIV-XV асрларга оид бўлиб, Эски Термиздан топилган. Ўлчамлари: 8,5x17,5x7 см.

² F.Sarre. die ceramic von Samarra. Berlin 1925

³ A.Lane. early Islamic pottery Mesopotamia, Egypt and Persia. London.1 ed. 1947. 2 ed. 1951 2 ed. 1953;

⁴ Survey of Persian art. Vol.II-V. New-York 1939.

⁵ Ch.Wilkinson. the glazed pottery of Nishapur and Samarkand. The Metropolitan museum of art. Bulletin vol. XX November,1962.

Археологик тўлиқ (ўрта) сопол Техникаси: кулолчилик чархида ясалган.

Косанинг кўриниши доирасимон шаклда. Гардишининг бир ён бўлаги синган. Сақланиб қолган қисми эса бироз емирилган. косанинг ички қисми оқ ранг билан даставвал Сиркор сўнгра мовий ва қора рангли бўёқ билан гул чизилган. Эҳтимол э араб алифбоси бўйича вов товушини белгини ишлатган бўлиши ҳам мумкин. Идиш деворида учта қора рангли учта мовий рангли ҳарф ишланган. Идишнинг таг қисми текис дисксимон ишланган.

СВАМ 32478. Сиркор коса. Эски Термиз. Термиз тумани. XI-XII асрлар. Ўлчами: 4,5х5,5 см бўлиб, Археологик тўлиқ эмас. Кулолчилик чархида ясалган. Материали: сопол. Косанинг ички қисми оқ ранг билан фон устига араб ёзуви вертикал шаклда туширилган. Косанинг гардишидан пастки қисмига қадар бир қисми сақланган. Косанинг таг қисми ички деворида жигар ранг билан қалампир шаклда нақш ишланган. Косанинг марказига яқин қисмида араб алифбосида форсча اجابه “ажабалаҳ” сўзи ёзилган бўлиб, маъноси “тоғлик”, “тоғлик одам” маъноларини англатади. Мазкур топилма ҳозирги кунда Термиз Археология музейи Ўрта асрлар даврига оид кўргазма залда сақланмоқда.

Адабиётлар

1. С.Р. Ильясова, ДЖ.Я. Ильясов, Р.А.Имамбердиев, Е.А.Исхакова “НЕТ БЛАГА В БОГАТСТВЕ” глазурованная керамика Ташкентского оазиса XI-XII вв. М., 1991
2. Г.В.Шишкина. Глазурованная керамика Согда (вторая половина VIII-начало XIII вв). 1979 г.
3. А.Г. Брусенко. Глазурованная керамика Чача XI-XII вв.Ташкент. “Фан”, 1986 г.
4. F.Sarre. die ceramic von Samarra. Berlin 1925
5. A.Lane. early Islamic pottery Mesopotamia, Egypt and Persia. London.1 ed. 1947. 2 ed. 1951 2 ed. 1953;
6. Survey of Persian art. Vol.II-V. New-York 1939.
7. Ch.Wilkinson. the glazed pottery of Nishapur and Samarkand. The Metropolitan museum of art. Bulletin vol. XX November,1962.